Конструкторлик бюроси, хисобчилар, оператор программистлар , лаборатория ва шифоҳоналар	71	61	54	49	45	42	40	38	50
Бошқарма	79	70	68	58	55	52	50	40	60

бинолари ва ишчилар хоналари									
Назорат кабинетлари ва дистанцион бошқарув	94	87	82	78	75	73	71	70	80
Аниқ йиғма ишлари бажариладиган бинолар	83	74	66	63	60	57	55	54	65
Тадқиқот ишлари лабораториялари, ҳисоблаш машиналари	95	87	86	76	75	73	71	70	80
Ишлаб чиқариш биноларининг иш зонаси ва ўзгармас иш жойлари	99	92	92	86	86	80	78	74	85

5. Шовқинга қарши қўлланиладиган усуллар:

- Шовқин пайдо бўлаётган манбаида камайтириш.
- Шовқинни чеклаш.
- Шовқинни сўндириш.

6. Қўлланиладиган ўлчов асбоби ва жихозлар.

1 Расмда қурилманинг умумий кўриниши берилган, бу ерда асосий таркибий қисмлардан: 1-камера (ишлаб-чиқариш хонаси модели), 2-шовқин манбаи, 3-ўлчов асбоби



1. Расм. Қурилмани фото сурати.

7. Ишни бажариш тартиби.

7.1. Шовқин манбасининг товуш босими даражасини ўлчаш.

7.1.1. Шовқин манбасини харакатлантиринг.

7.1.2. Камерани панель билан беркитинг.

7.1.3. Товушни умумий даражасини ўлчанг, бунинг учун ИШВ-1 ўлчов кўрсатгичини қуйидаги холатларга буранг: а) делитель 1-40, б) делитель 11-40, в) род измерения А, г) тумблер – звук, д) род работы-быстро.

Агар ўлчаш вақтида ўлчов кўрсатгичи ўқчаси чапга, 0 дан пастга ўтиб қолса, уни ўлчов ўқи ёрдамида децибелларни пасайтириш хисобига ўннга силжитиш мумкин (кейинчалик делителр 11 хам ишга солинади). Умумий ўлчов хисобига албатта «делитель-1» ва ўқчали ўлчов кўрсатгичи кўрсатмаларининг йиғиндисиди киради.

Масалан: 1) «Делитель 11» - 30дБ;

2) «Делитель 1 » - 30дБ;

3) Ўқчали ўлчов кўрсатгичи - 6дБ; бунда

$$L_p = 30 + 30 + 6 = 66 \text{ дБ бўлади.}$$

Ўлчанган сон хисоботнинг 2 чи жадвалига киритилади.

7.1.4.Товуш босими даражаларини октавали чизифларда ўлчаш керак, бунинг учун:

а) «род измерения» кўчиргичини «фильтры» холатига ўрнатиш.

б) «частота» кўрсатгичи навбати билан 65, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000, 6000 Гц холатларига ўрнатилади.

в)«Делитель Н» кўчиргичини керакли холатга ўрнатиб, октавали чизиклардаги кўрсатгичларни алохида белгиланг (юқоридаги 1 ва 11 делитель ва ўқчали ўлчов кўрсатгичи кўрсатмалари йиғиндиларини хисоблаб).

г) ўлчовладан сўнг шумомерни ва шовқин манбаини ўчириш.

7.2.Шовқинни камайтириш учун товуш ютувчи тусиқ қўлланишининг самарасини аниқланг.

- камерани очинг
- товуш ютувчи тўсиқ (пенопласт)ни ўрнатиш
- шовқин манбаини юрғизинг
- камерани панель билан беркитинг
- L товушни ютиш босимини частоталарини октавали чизикларида ўлчанг
- шовқин манбаи ва шумомерни ўчириш
- натижаларни хисоботнинг 11 чи жадвалига киритинг L товушни ютиш босимига киритинг.
- товуш ютувчи тўсиы самарасини – тўсиқсиз камерадаги ўлчовларга товуш ютувчи тўсиыли ўлчовлар натижаларининг айирмаси сифатида аниқланг.
- Олинган натижаларни хисоботнинг 11 жадвали $L_p - L$ бўлимига киритинг.

7.3. Шовқинни пасайтирувчи (чекловчи - фанера) тўсиқ қўллаш самарасини аниқланг.

- камерани очинг

- шовқинни ютувчи тўсиқни олиб шовқинни чекловчи фанера тўсиқни ўрнатинг.
- шовқин манбаини юрғизинг
- камерани беркитинг
- L изоляцияланган товуш босими даражаси ўлчовларини частоталар октавали чизиқларида 1.4. бобга мувофиқ ўлчанг.
- шовқин манбаи ва шумомерни ўчиринг.
- Ўлчов натижаларини хисобланг 11 жадвалга L изол. Босимга киритинг
- Товуш ютувчи тўсиқнинг самарасини тўсиқсиз камерадаги ўлчовлар ва товуш айирувчи тўсиқдаги ўлчовлар айирмасини топиш орқали аниқланг ($L_p - L_{изол}$).
- Олинган натижаларни хисоботнинг 11 жадвалига $L_p - L_{изол}$ бўлимига киритинг.
- Олинган натижалар бўйича (11 жадвал) шовқин спектрлари (L_d , L_p , $L_{погл}$, $L_{изол}$.) хар бирига доир частоталар октавали чизиғига қараб график шаклини чизинг.
- Шовқинни ўлчанган ва давлат нормаларида кўрсатилган кўрсаткичларини бир-бирига тақосланг ва хулосада кўрсатинг.
- 11 жадвал асосида тўсиқларнинг энг паст смарадор октавали чизиқларини топинг.


Эшитиш органлари маълум диапазондаги, юқори ва пастдан чегаралар билан чекланган товуш тўшқинларини сезади ва қабул қилиш хусусиятига.

Эшитиш чегаралари



Порог слышимости (эшитиш чегараси) – эшитиш органлари сезувчи юқори товуш босими.

Порог болевого ощущения (оғриқ чегараси) – эшитиш органлари эшитмайди, аммо оғриқ сезувчи энг юьори товуш босими.

Ишлаб чиқариш хоналарида шовқин - тўғридан-тўғри товуш ва унинг қайтган товушиларининг йиғиндиси хисобланади.



Ишлаб чиқариш хонасида шовқин майдони.



Товушни қайтиш ва ютилиш схемаси

Товушни мосламадан ўтиши:

1 - товушни изоляцияловчи машина; 2 – девори; 3- товуш ютувчи коплама; 4- вибраторлар.

8. Текшириш учун саволлар:

- Шовқин пайдо бўладиган манба?
- Шовқин одам ва уни организмга қандай таъсир кўрсатади?
- Шовқинни қандай меоёрлаштириш мумкин?
- Шовқиндан химоя қилишнинг шовқин ютиш ва чеклаш (тўсикдан фойдаланиш) йўллари?
- Шовқин қандай ўлчанади?
- Децибелл (Дб) нима?

«ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ» КАФЕДРАСИ
«Ишлаб чиқариш шовқинни даражасини ўрганиш ва у билан
курашиш усуллари» лаборатория ишининг
ҲИСОБОТ ВАРАҚАСИ

1. Ишининг мақсади:

2. Шовқин даражасининг нормалари қандай белгиланади?

3. Иш


бажариладиган қурилма _____

4. Ўлчовлар ва уларни рўйхатга олиш

Параметрлар	Ўртача геометрик чизик частотаси Гц								Шовқин даражаси дБ
	65	125	250	500	1000	2000	4000	8000	

Рухсат этилган товуш босими L дБ									
L _p дБ									
L изол дБ									
L _p – L изол. дБ									
L погл дБ									
L _p – L погл. дБ									

Товуш манбаининг спектри (графи).



Хулоса: _____

Талаба	Гуруҳ, факультет	Иш бажарилган куни	Ўқитувчининг имзоси

**“ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЎРГАНИШ”
ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №5**

**1. УМУМИЙ ҚИСМ
1.1. ИШНИНГ МАҚСАДИ**

ОТ-9А стендининг иш моҳиятини ва мосламани ўрганиш. Кучланиш 1000 В бўлган 3 фазали токнинг электр хавфсизлигини ўрганиш; нейтрал режим тармоғининг электр хавфсизлигига боғлиқлигини аниқлаш. Ҳимоя қаршилиги ва фаза сифимининг ерга нисбати ҳамда тармоқ-одам-ер занжир қаршилигини чиқариш.

1 Расмда ОТ9А умумий курилиши келтирилган.



1. Расм. ОТ9А стендини фото сурати.

2. АСОСИЙ НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ

Нейтрал электр тармоғи тузуми ер нейтралнинг тармоқ ҳимояси ва ерга улаш ҳимоя нейтралига бўлинади.

Ҳимоя деб, нейтрал ерга уланмаган алоҳида мосламага ёки ундан қўшилиб ўтаётган катта қаршиликка айтилади. (Масалан, ғалтакнинг компенсацияси, трансформаторнинг кучланганлиги ва ҳоказо).

Ерга қотирилиб уланган деб, генераторнинг нейтрал ёки трансформаторнинг ерга қўшилган мосламадан ўтаётган кичик қаршиликка айтилади. (Масалан, трансформаторнинг токи ва ҳоказо). Буларнинг ҳар бири ўзининг техник-иқтисодий, фойдаланиш тариф белгилари ва ҳар хил электр хавфсизликлари кўрсаткичлари билан бошқалардан фарқланади.

Электр тармоқларининг хавфсизлиги таҳлили амалда, кучланиш остидаги қисмларга турли хил шароитларида тегиш натижасида одам танасидан оқаётган токнинг кучини аниқлашдан иборатдир.

2.1. НЕЙТРАЛЛИ ИЗОЛЯЦИЯ ҚИЛИНГАН ТАРМОҚЛАР

Бундай тармоққа одамнинг қўл теккизиш оқибатида фазаларнинг кўчишига олиб келади ва масалан А фазасига қўл теггизган одам танасидан оқаётган ток ерга нисбатан носиметрик қаршиликлари ва фазалар ҳажми шароитидаги умумий ҳолатда қуйидаги мураккаб тенглама билан ифодаланилади:


$$I_{oo} = \frac{U_{\phi} \cdot q_{oo}}{2} \sqrt{\frac{[3(q_c + q_b) + w\sqrt{3}(C_c + C_b)]^2 + [\sqrt{3}(q_b + q_c) + 3w(C_b + C_c)]^2}{(q_a + q_b + q_c + q_0)^2 + w^2(C_a + C_b + C_c)^2}}$$

Бу ерда U_{ϕ} – тармоқнинг фаза кучланиши,

q_a, q_b, q_c – ерга нисбатан фаза симлари ҳимоясининг ўтказувчанлиги.

$q_a=1/O_a; q_b=1/O_b; q_c=1/O_c; q_0$ – одам танасининг ўтказувчанлиги қобилияти.

w – тармоқнинг бурчакли частотаси.



1.Расм. Нейтралли изоляция қилинган тармоққа одмани бир фаза уланиши.

Йўқолиб бораётган ток қаршиликлари фазали симлар ҳажми тенг бўлган ҳолатда $O_A=O_B=O_C=0; C_A=C_B=C_C=C$ одам танасидан ўтаётган ток оқими қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$I_0 = \frac{U_{\phi}}{R_0} \cdot \frac{1}{\sqrt{1 + \frac{0(0+6R_0)}{qR_0^2(1+0^2w^2C^2)}}} \quad (2)$$

Қисқа масофадаги ер усти тармоқларида йўқолаётган ток қаршиликлари тенг, фаза симларининг ҳажмлари эса нисбатан кичик бўлади ва одам танасидан оқаётган ток бу ҳолатда қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$I_0 = \frac{U_{\phi}}{(R_0 + 0/3)} \quad (3)$$

Одатда кабелли тармоқларда фаза симларининг ҳажмлари тенг ва жуда катта. Ҳимоянинг актив қаршиликлари эса жуда ҳам катта

$$(C_a=C_b=C_c=C; R_a=R_b=R_c \rightarrow 0).$$

ва одам танасидан оқаётган ток оқими қуйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$I_0 = \frac{U_\phi \cdot W_c}{\sqrt{qR_0^2 w^2 c^2 + 1}} \quad (4)$$

Агарда уч симли электр тармоғи фазасига одам қўл теккизса ва бу тармоқда фазаларнинг ерга nisbatan ўтказувчанлиги тенглиги шартида ва нейтралли химояланган бўлса, унда одам танасидан ўтаётган ток катталигини тахминий ҳисоблаш учун қуйидаги тенгламадан фойдаланиш мумкин:

$$I_0 = \frac{3U_\phi}{3R_0 + Z} \quad (5)$$


Бунда U_ϕ – фаза кучланиши;

R_0 – одам танасининг қаршилиги;

Z – фаза симининг ерга nisbatan тўла қаршилиги.

$C \rightarrow 0$ ва $Z=R$, шартидаги кичик тармоқли тармоқда одам танасидан ўтаётган электр токи фақатгина химоя қаршилигига боғлиқ бўлади.

$$I_0 = \frac{3U_\phi}{3R_0} \quad (6)$$



2.Расм. Нейтралли изоляция қилинган тармоқ аврия ҳолатида одмани бир фазага уланиши.

Авария ҳолатида нейтралли химояланган тармоқ ҳавфлироқдир. 2-расмдан кўриниб турибдики нейтралли химояланган тармоқда одам умумтармоқ кучланиши таъсири остида бўлади ва унинг танасидан ўтаётган электр токи қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$I_0 = \frac{U_{lin}}{R_0} \quad (7)$$

Бу ҳоллатад инсон $U_{лин}$ учрайди, бу жуда хам хавфли.

4.1.6. $R_h = \text{const}$ бўлганда $I_h = f(r)$ тенгликни авария ҳолати учун олинсин, химояланган фаза симларининг сиғимларини ҳисобга олинмаган ҳолда. Ҳамма тумблерлар ва ўчиргичлар ўз ҳолатида қолдирилади, В10 ўчиргичи КН-1 тугмача тармоқ ишини ҳолати билан имитирлансин.

- “Rh” резисторини олдиндан берилган ҳолатга қўйинг (ҳолат ўқитувчи томонидан берилади);
- “A” фазалар ҳимояси қаршилиги имитирланганда “Ra” қаршилигини (“B” ва “C” фазалар учун ҳам, яъни “Rb”, “Rc” бўлганда) нолинчи ҳолатга қўйинг. Бу ҳолатда $R_{abc}=1$ кОм;
- Ca, Cb, Cc ҳимояланган фаза симлари сиғимнинг ҳисоби учун B4, B5, B6 тумблерлар уланиши керак;
- R6 резистори бошланғич ҳолатда, сўнг унинг ёрдамида “ r_a ” алмаштирилади (қаршилиқлар қиймати ўқитувчи томонидан аниқланади) ИП-1 миллиамперметр кўрсаткичи олинсин I_h ва r_a натижаларни 2-жадвалга ёзинг;
- $I_h=f(R_a)$ тенгликнинг ҳар бир қиймати учун “A” фазага ИП-1 вольтметри ва B11 улагичи билан уланади, ҳамда уни ўлчаб олиб фаза кучланишини қиймати 2-жадвалга ёзиб қўйилсин;
- “B” ва “C” фазалар учун ҳам 4.1.5. пунктини қайтаринг, олинган натижалар қийматини 2-жадвалга ёзиб қўйинг.

4.1.7. $R_a=const$, $R_b=const$, $R_c=const$ бўлганда $I_h=f(R_h)$ тенгликни тармоқ ишини нормал ҳолати учун олинсин, ҳимояланган фаза симларини ҳисобга олмаган ҳолда.

Ҳамма тумблерлар ва ўчиргичлар ўз ҳолатида қолади, B10 ўчиргичи ва КН-1 тугмача тармоқ ишини нормал ҳолати учун ўчирилган бўлиши керак. Фаза резистори қаршилигини катталиги ўқитувчи томонидан берилади. B4, B5, B6, B7 тумблерлар ҳимояланган фаза симларини сиғимлари ҳисоби учун улансин.

$I_h=f(R_h)$ тенгликни олиш тартиби

- “Ra”, “Rb”, “Rc” резисторларини олдиндан берилган катталик ҳолатига қўйинг.
- “Rh” резистори қаршилигини дискрет ҳолатда алмаштириб туриб (нуқталар ўқитувчи томонидан берилади) ИП-1 миллиамперметр кўрсаткичи олинсин ва 2-жадвалга ёзиб қўйилсин;
- $I_h=f(R_h)$ тенгликни ҳар бир фазалар қиймати учун вольтметр кўрсаткичи узлуксиз ҳолатда олинсин. Олинган натижалар қиймати 2-жадвалга ёзилсин.

4.1.8. Тармоқ ишининг авария ҳолатида $r_a=const$, $r_b=const$, $r_c=const$ бўлганда $I_h=f(R_h)$ тенгликни тармоқ ишини нормал ҳолати учун олинсин, ҳимояланган фаза симларини ҳисобга олмаган ҳолда.

Ҳамма тумблерлар ва ўчиргичлар ўз ҳолатида қолади, B10 ўчиргичи ва КН-1 тугмача тармоқ ишини авария ҳолати учун имитация учун улансин.

Фаза резистори қаршилигини катталиги ўқитувчи томонидан берилади. B4, B5, B6, B7 тумблерлар ҳимояланган фаза симларини сиғимлари ҳисоби учун улансин.

$I_h=f(R_h)$ тенгликни олиш тартиби


- “Ra”, “Rb”, “Rc” резисторларини олдиндан берилган катталиқ ҳолатига қўйинг.
- “Rh” резистори қаршилигини дискрет ҳолатда алмаштириб туриб (нуқталар ўқитувчи томонидан берилади) ИП-1 миллиамперметр кўрсаткичи олинсин ва 2-жадвалга ёзиб қўйилсин;
- $I_h=f(R_h)$ тенгликни ҳар бир фазалар қиймати учун вольтметр кўрсаткичи узлуксиз ҳолатда олинсин. Олинган натижалар қиймати 2-жадвалга ёзилсин.

4.2. НЕЙТРАЛИ ЕРГА ҚОТИРИБ УЛАНГАН ТАРМОҚЛАР


Нейтрални ерга қотириб уланган (глухозахземленная) тармоқда одам бир фазага уланган вақтида, ундан куйидаги ток утади.

Сизлар назий кисмидан биласизлар одамни қаршилиги, одамни ички қаршилиги ва одамни тери қаршиликларида иборат, уни микдорини $R_o = 1000$ Ом.

$$I_o = \frac{U_\phi}{(R_o + (R_n + R_{оуеқ} + R_{пол}))}$$



3. Расм. Нейтрални ерга қотириб уланган (глухозахземленная) тармоқда одам бир фазага уланганлиги схемаи.



4. Расм. Нейтрали ерга қотириб уланган (глухозахземленная) тармоқ аврия ҳолатда одам бир фазага уланганлиги схемаи.

Бу ерда биз курганимиздек ҳеч қапндай зғаришлар булмайд, чўнки трансформаторни нейтрали ерга қотириб уланган ва нейтральни қаршилиги узгармайд.

ОТ9А стендга уганда куйидагича ҳар хил тармоқларни имитация кишимз мумкин. Юқорида нейтрали изоляция қилинган тармоқ ҳозир эса нейтрали ерга қотириб уланган тармоқ.

Нейтрали ерга қотириб уланган уч симли тармоқни олиш учун В3 тумблерлар улансин, нейтрал ерга уланиш учун, В2 тумблерлар ўчирилган бўлиши керак.

Тармоқ ишининг нормал ҳолати учун В10 ўчиргич КН-1 тугмача ўчирилган бўлиши керак.

4.2.1. Нормал ҳолат учун $R_h = \text{const}$ бўлганда $I_h = f(r)$ тенгликни олинг.

Бу ерда: I_h – R_h резисторидан ўтаётган ток, имитирланган одам танасининг қаршилиги;

r – резистор қаршилиги, ҳимояланган фаза қаршилиги ва нолинчи сим.

$I_h = f(R_h)$ тенгликни олиш тартиби

- “ R_h ” резисторини олдиндан берилган ҳолатга қўйинг (ҳолат ўқитувчи томонидан берилади);
- “ A ” фазалар ҳимояси қаршилиги имитирланганда “ R_a ” қаршилигини (“ B ” ва “ C ” фазалар учун ҳам, яъни “ R_b ”, “ R_c ” бўлганда) нолинчи ҳолатга қўйинг. Бу ҳолатда $R_{abc} = 1 \text{ кОм}$;
- В4, В5, В6 тумблерлар ўчирилган бўлиши керак (“ A ”, “ B ”, “ C ” ҳимояланган фаза сиғими ҳисобга олинмаган ҳолда);

- R₆ резистори бошланғич ҳолатда, сўнг унинг ёрдамида “R_a” алмаштирилади (қаршилиқлар қиймати ўқитувчи томонидан аниқланади) ИП-1 миллиамперметр кўрсаткичи олинсин I_h ва r_a натижаларни 1-жадвалга ёзинг;
- “B” ва “C” фазалар учун ҳам 4.2.1. пунктини қайтаринг, олинган натижалар қийматини 1-жадвалга ёзиб қўйинг.

4.2.2. Тармоқ ишининг авария ҳолати учун R_h=const бўлганда I_h=f(r) тенгликни олинг.

Ҳамма тумблерлар ва ўчиргичлар ўз ҳолатида қолади, В10 ўчиргичи ва КН-1 тугмача тармоқ ишини авария ҳолати учун имитация учун улансин.

- “A” фазалар ҳимояси қаршилиғи имитирланганда “R_a” қаршилиғини (“B” ва “C” фазалар учун ҳам, яъни “R_b”, “R_c” бўлганда) нолинчи ҳолатга қўйинг. Бу ҳолатда R_{abc}=1 кОм;
- R₆ резистори бошланғич ҳолатда, сўнг унинг ёрдамида “r_a” алмаштирилади (қаршилиқлар қиймати ўқитувчи томонидан аниқланади) ИП-1 миллиамперметр кўрсаткичи олинсин I_h ва r_a натижаларни 1-жадвалга ёзинг;
- “B” ва “C” фазалар учун ҳам 4.2.2. пунктини қайтаринг, олинган натижалар қийматини 1-жадвалга ёзиб қўйинг.

4.2.3. r_a=const, r_b=const, r_c=const бўлганда I_h=f(R_h) тенгликни тармоқ ишини нормал ҳолати учун олинсин.

Ҳамма тумблерлар ва ўчиргичлар ўз ҳолатида қолади, В10 ўчиргичи ва КН-1 тугмача тармоқ ишини нормал ҳолати учун ўчирилган бўлиши керак.

Фаза резистори қаршилиғини катталиғи ўқитувчи томонидан берилади. В4, В5, В6, В7 тумблерлар ўчирилиши керак.

I_h=f(R_h) тенгликни олиш тартиби

- “R_a”, “R_b”, “R_c” резисторларини олдиндан берилган катталик ҳолатига қўйинг.
- “R_h” резистори қаршилиғини дискрет ҳолатда алмаштириб туриб (нуқталар ўқитувчи томонидан берилади) ИП-1 миллиамперметр кўрсаткичи олинсин ва 1-жадвалга ёзиб қўйилсин;
- I_h=f(R_h) тенгликни ҳар бир фазалар қиймати учун вольтметр кўрсаткичи узлуксиз ҳолатда олинсин. Олинган натижалар қиймати 1-жадвалга ёзилсин.

4.2.4. Тармоқ ишининг авария ҳолатида r_a=const, r_b=const, r_c=const бўлганда I_h=f(R_h) тенглик олинсин.

Ҳамма тумблерлар ва ўчиргичлар ўз ҳолатида қолади, В10 ўчиргичи ва КН-1 тугмача тармоқ ишини авария ҳолати учун имитация учун улансин.

Фаза резистори қаршилигини катталиги ўқитувчи томонидан берилади. В4, В5, В6, В7 тумблерлар ўчирилган бўлиши керак.

$I_h=f(R_h)$ тенгликни олиш тартиби

- “Ra”, “Rb”, “Rc” резисторларини олдиндан берилган катталик ҳолатига қўйинг.
- “Rh” резистори қаршилигини дискрет ҳолатда алмаштириб туриб (нукталар ўқитувчи томонидан берилади) ИП-1 миллиамперметр кўрсаткичи олинсин ва 1-жадвалга ёзиб қўйилсин;
- $I_h=f(R_h)$ тенгликни ҳар бир фазалар қиймати учун вольтметр кўрсаткичи узлуксиз ҳолатда олинсин. Олинган натижалар қиймати 1-жадвалга ёзилсин.

4.3. Ўқитувчининг таклифи бўйича нейтрални ҳимояланган тўрт симини ўлчаш мумкин. Тармоқнинг тўрт сими В2 тумблер ёрдамида комутирланади. В3 тумблери ўчирилади.

$I_h=f(R_h)$ тенгликни олиш тартиби

Юқорида қайд қилинган нейтрални ҳимояланган уч симли тармоқдай бўлади.

4.3.1. Барча улагичларни юқорида қайд этилган бўлимдагилардай қилиб олиш мумкин, қаршилиқ ва симларнинг ҳимояланган нейтрални N/m, Cn – тумблер В7 ҳисобга олган таъсирини кўриш мумкин. Олинган натижаларни жадвалга ёзиб қўйинг.

4.4. Нейтрални ерга уланган тўрт симли тармоқни ҳам улаш мумкин. В2 ва В3 тумблерлар уланади.

$I_h=f(r)$, $I_h=f(R_h)$ тенгликни олиш тартиби юқорида қайд этилган ерга уланган уч симли тармоқдагидай олинади. Олинган натижаларни жадвалга ёзиб қўйинг.

4.5. Стенд ўчирилсин. Барча ўчиргичлар ва тумблерлар асли ҳолига қўйилсин.

4.6. Келтирилган намуна бўйича ҳисобот варақаси тайёрлансин. Ҳисобот иши бўйича қуйидагилар киради. Ишнинг номи, схемлар, жадваллар, талаб этилган графиклар ва олинган натижалар бўйича ҳисобот хулосаси ёзилсин.

5. ХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

Қурилмада 220 В кучланишда ишлайди.

Қурилмани тармоққа улаш учун ўқитувчи ва лаборатория мудири томонидан уланади.

Тармоққа улашдан олдин қуйидагиларга эътибор берилсин:

- Асосий ўчиргичлар ўчирилган бўлиши керак;
- темблер “тармоқ” ўчирилган бўлиши керак.

6. ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Электр тармоқлар нейтралли ҳолати бўйича неча ҳил бўлади?
2. Тармоқлар хавфсизлигини таҳлил қилиш қандай бўлади?
3. Нейтралли изоляция қилинган тармоқ нормал ва авария ҳолатини иш пайтида одам тармоққа теккан ҳолдаги кучланиш нимага тенг бўлади?
4. Нейтралли ерга қотириб уланган вақтида, нормал ва авария ҳолатини иш пайтида одам тармоққа теккан ҳолдаги кучланиш нимага тенг бўлади?
5. ОТ-9А стенди нималар ўлчайди ва ўргатади?
6. ОТ-9А стендининг моҳияти қандай?
7. В11, В2, В3, В4, В10 ўчиргичлар ва R1-R3, R5 резисторлар нима учун ишлатилади?

“ИНСОН ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ” КАФЕДРАСИ
“ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЎРГАНИШ”
ЛАБОРАТОРИ ИШИНИНГ
ҲИСОБОТ ВАРАҚАСИ

1. Ишнинг мақсади _____

2. ОТ-9А стендининг эскизи берилсин.

2.1..Электр тармоғи нейтрал ҳолат бўйича қандай бўлади?

3.Экспериментал натижалар.

3.1. Нейтралли изоляция қилинган тармоқ нормал хола-тида одамни бир фазага уланиши ҳолда 1-жадвалга ИП-1 миллиамперметр ва ИП-2 вольтметр кўрсаткичларини ёзиб тулдилинг.

1-жадвал

Олинган натижалар

№ п\п	Нейтралли изоляция қилинган тармоқ нормал хола-тида одамни бир фазага уланиши	Одамни каршилиг R_0	Фазани каршилиги R_A	Милиампер-метр ИП-1 курсаткичлари	Вольтметр ИП-2 курсаткичлари

4.2. Нейтралли ерга қотириб уланган (глухозахземленная) тармоқга одам бир фазага уланган ҳолда 2-жадвалга ИП-1 миллиамперметр ва ИП-2 вольтметр кўрсаткичини ёзиб тулдилинг.

2-жадвал

Олинган натижалар

№ п\п	Нейтралли ерга қотириб уланган (глухозахземленная) тармоқга одам бир фазага уланганли-ши	Одамни каршилиг R_0	Фазани каршилиги R_A	Милиампер-метр ИП-1 курсаткичлари	Вольтметр ИП-2 курсаткичлари

--	--	--	--	--	--

4.3. Авария ҳолатини ҳисобга олганда икки турдаги тармоқ нейтрални учун одам бир фазага уланган ҳолда 1 ва 2-жадвалга (бу жадваллар икки марта чизилавди) ИП-1 миллиамперметр ва ИП-2 вольтметр кўрсаткичини ёзиб тулдириш.

4.4. Икки турдаги тармоқ нейтрални нормал ва авария ҳолатига одам бир фазага уланган тугрисидаги жадваллардаги натижаларни куриб чиқиб ҳулоса беринг.

Талабанинг фамилияси ва исми шарифи	Факультет, гурӯх	Ишнинг бажариш муддати	Ўқитувчининг имзоси ва қабул қилган куни

“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОНАЛАРИДА ТАБИЙ ЁРИТИЛИШ ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА”

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №6

1. Умумий маълумотлар

1.1. Ишнинг мақсади: Ишлаб чиқариш хоналарида табиий ёритилганлик даражасини ўлчаш ва олинган кўрсаткичларни ишлаб чиқариш нормаларига мувофиқ ҳолатга келтириш.

2. Ишнинг мазмуни:

1.2.1. Ёритилганликни ўлчайдиган асбоб билан танишиш.

1.2.2. Ишлаб чиқариш хонасида табиий ёритилганлик даражасини ўлчаш.

1.2.3. Ишлаб чиқариш хонасида турли нуқталарининг ёруғлик билан таъминланишига қараб ёритилганлик даражасини баҳолаш.

2. Ишни бажариш учун керакли маълумотлар.

Иш жойини ёруғлик билан таъминлашда табиий ва сунъий ёруғликдан фойдаланилади.

Табиий ёруғлик юқоридан махсус ёритиш ойнаклардан ва ён томондан деразалар орқали таъминланади. Табиий ёритилганлик даражаси йилнинг даврига, иқлим шароити ва жўғрофик кенгликка қараб ўзгаради. Шунинг учун ёритилганлик даражасининг ўлчов белгиси сифатида «люкс»лар эмас, балки табиий ёритилганлик коэффициентини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Хона ичидаги ёритилганликнинг ташқари (очиқ ҳаводаги) ёритилганлик даражасига бўлган нисбатини «Табиий ёритилганлик коэффициенти» (Т.Ё.К. -е) деб аталади, яъни:

$$e = \frac{E_{вн}}{E_{нсп}} 100\%$$

Бу тенгламада: $E_{вн}$ —хона ичидаги ёритилганлик, лк (люкс),
 $E_{нсп}$ - ташқари (очиқ ҳаво) даги ёритилганлик, лк. Нормага мувофиқ табиий ёритилганлик коэффициентини ҳисоблашда бажарилган ишнинг оҳирлик даражаси, йилнинг даври, жўғрофик кенглик омиллари ҳисобга олинади (СниП 11.4-79 га мувофиқ) ва қуйидагича аниқланади:

$$EN = e \cdot m \cdot c$$

Бу тенгламада: m —ёритиш иқлимий коэффициентти, 0,8 га тенг,

c — серкўёшлик иқлимий коэффициентти, 0,6-0,7 га тенг.

EN - нормага мувофиқлаштирилган табиий ёритилганлик коэффициенти.

Нормага мувофиқлаштирилган табиий ёритилганлик
коэффициенти (т. ё. к.)

Иш тарт иби	Хонада бажариладиган ишнинг харакати		Т.Ё.К. нормаси, %	
	Иш аниқлиги даражасининг кўрсаткичи	Объект (нишон) ларнинг катта, кичиклиги, мм ъисобида	Ёритилганлик даражаси	
			тепадан- юқори	ён томондан
1	Ўта юқори аниқликдаги иш	5,0 дан юқори	10	3,5
2	Жуда юқори аниқликдаги иш	1,0 дан 5,0 гача	7	2,5
3	Юқори аниқликдаги иш	0,5 дан 1,0 гача	5	2,0
4	Ўртача аниқликдаги иш	0,3 дан 0,5 гача	4	1,5
5	Кам аниқликдаги иш	0,15 дан 0,3 гача	3	1,0
6	Аниқликни талаб қилмайдиган иш	0,15 дан кичик	2	0,5

2.2. Ёруғликни ўлчовчи асбоблари.

Ёруғликни ўлчашда фотоэлектрик люксметрлар (Ю-16, Ю-17) кенг ўлланлади. Люксметрнинг иш моъияти фотоэффект ходисасига асосланган. Ю-16 люксметрнинг ўлтов кўрсаткичи 250 гача бўлинган ва уч даражада ўлчаш имконин беради, 0 дан 25 гача, 0 дан 100 гача ва 0 дан 500 гача. (люкс ъисобида). Агар ўлчаш пайтида ёруғлик юриткич ёопламаси ўлланилса-ўлчов даражаларининг чегаралари мос равишда 2500, 10000 ва 50000 люксгача кенгаяди, 1 ва 2-чи расмдларда люксметрларни умумий кўринишлари берилган.



2-расм. Люксметрнинг умумий кўриниши.

1. Расм. Ю-16 люксметрни умумий куриниши.



2. Расм. Ю-17 люксметрни умумий фото куруниши.

3. Иш тартиби.

1. Люксметрнинг иш моҳиятини ўрганиш.

2. Люксметрни ишга тайёрлаш: асбобни горизонтал ҳолатга қўйиб, унинг кўрсаткич ўқини «ноль» белгиси ыаршисида жойлашганлигини текшириш.

3. Хонанинг дераза томонидан қарама-қарши томонга қараб ва олдидадан орқа томонигача, ҳар бир метрда ёритилганлик даражасини ўлчаш. Ёритилганлик қуйидагича ўлчанади: переключатель (ўлчов даражасининг ўчиргичи) 500 лк даражасида ўрнатилади. Агар ўлчов натижаси 20 дам кам бўлса - 100 лк лик даражага кўчирилади, бу ҳолатга ҳам 10 дан кам бўлса - 25 лк даражасида ўрнатилади.

Хона ичкарида ёритилганлик даражасини ўлчаб бўлгач, ташқари (очик ҳаво)даги ёритилганлик ўлчанади. Олинган натижалар ҳисобот варафасига ёзилади. Ҳисобот варақасида кўрсатилган саволларга жавоб бериб, бажарувчи олдида қўйилган вазифалар бажарилади. Ҳисобот варақаси оддий ўқувчилар дафтارينинг икки бети ёки 290x210 мм форматли оқ қоғоз варақларида тўлдирилади.

«ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ» КАФЕДРАСИ
«ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОНАЛАРИДА ТАБИЙ ЁРИТИЛИШ
ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНИШ».

лаборатория ишининг
ҲИСОБОТ ВАРАҚАСИ

1. Ишининг мақсади: _____

2. Приборни расимини келтиринг.
3. Куийдаги саволарга жавоб беринг.
 - 3.1. Ёритилганлик даражасининг нормалари қандай белгиланади?
 - 3.2. Ёруликни улчайдигон приборни оти нима?
 - 3.3. Табий ёритилишни улчов бирлиги нима?
 - 3.4. Сунний ёртилиш нимада нормалаштирилади?

4. Табий ёритилган даражаси коэффициентини аниқлаш.

Ўлчов нуктаси	Ташқи ёритилганлик даражаси, лк Ен	Ички ёритилганлик даражаси, лк Евн	е, %	ен, %	Бажариладиган иш турлари

5. Ёритилганлик даражасининг (Т.Ё.К.) масофага боълиқлиги.



5. Ҳулоса: _____

Талаба	Гуруҳ, факультет	Иш бажарилган кун	Ўқитувчининг имзоси

«ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ЁНУВЧАНЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИКЛАШ»

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

1. Умумий маълумотлар.

1.1. Ишнинг мақсади.

Талабалар томонидан қурилиш материаллари ва иншоотларнинг ёниш-ёнмаслигини аниқлаш усул билан танишиш ва бу муҳим кўрсаткични аниқлаш кўникмасини ҳосил қилиш.

1.2. Ишнинг ҳажми.

1.2.1. Қурилиш материаллари ёнувчанлигини «аланга қузури» усули бўйича аниқлаш.

1.2.2. Текширилган моддаларнинг ёнувчанлик гурукини аниқлаш.

2. Ишни бажариш учун керакли маълумотлар.

2.1. Ёниш жараёни ҳаводаги кислород билан ёнувчан модданинг кммёвий бириктириш реакциясидан иборат. Ёнишда жуда кўп миқдорда иссиқлик ва ёруғлик чиғади. Деярли ҳамма ёнувчи моддалар, уларнинг қандай агрегат ҳолатида бўлишидан қатъий назар – углерод, водород ва кислороддан ташкил топган органик бирикмалардир.

Модданинг ёнувчанлиги асосан ундаги углерод ва водороднинг миқдорга боғлиқ.

Ёнувчи аралашма аланга олгунча ўз-ўзидан қизиб, охири ёна бошлайдиган пайтдаги ҳарорат (температура) ёнувчи аралашманинг ўз ўзидан алангаланиш ҳарорати деб аталади. Бу жараён пайтида ажралиб чиқаётган иссиқлик атроф-муҳитга ютилишга улгирмайди.

Ўз-ўзидан ёниш эса, ташқи иссиқлик қисобига эмас, балки модданинг ўзида рўй берадиган химиявий, биологик ёки физик жараёнлар ҳисобига содир бўлади.

Моддаларнинг ёниш ҳавфлиги уларнинг агрегат ҳолатига боғлиқ бўлиб, қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади. Газ ва буғлар учун ҳавода алангаланиш чегараси, алангаланиш бошланишининг ҳарорати, ўз-ўзидан алангаланиш ва алангаланиш ҳарорати аралашманинг портлаш ҳавфи категорияси, ёниш учун керакли қувват (энергия)нинг энг оз миқдори, кўрсаткичлари ёнғин ҳавфлигини белгилайди.

Ёнувчи суюқликларнинг ёнғин тавфлилигини аралашма алангаланадиган ыуйи ва юбюри ьарорат чегаралари ва алангаланиш бошланишининг ьарорати билан кўрсатилади.

Қаттиғи жасмли моддаларнинг ёнғин ҳавфлилиги модданинг ёниш учун солиштирма иссиқлик ҳажми, ёниш ҳарорати ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати ва алангаланиш ҳарорати, ёниш тезлиги ва модда юзаси бўйлаб ёнишнинг тарқалиш тезлиги билан белгиланади.

Бино ва иншоотларнинг қурилиш тузилмалари ёнғин чиққанида юқори ҳароратга қаршилик кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши керак. Тузилмаларнинг юқори ҳарорат таъсирида ўз шаклини ўзгартирмасдан мустаъкамлиги ва турғунлигини сақлаб қолиш хусусияти ўтга чидамлилик деб аталади. Материаллар ёки тузилмаларнинг юқори ҳарорат таъсирида ўз турғунлигини, юк кўтариш қобилиятини сақлаб туриш вақти ўтга чидамлилик чегараси дейилади ва соат, минутларда ўлчанади.

Қурилиш материалларининг ўтга чидамлилиги уларнинг ёнувчанлигига боғлиқ.

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш ёнғинга қарши белгиланган нормалар (СНиП П-2-80) бўйича барча қурилиш материаллари ва тузилмалари ёнувчанлиги бўйича уч гуруҳга бўлинади: ёнадиган, қийн ёнадиган ва ёнмайди.

Олов ёки юқори ҳарорат таъсирида алангаланмайдиган, қурилиш материаллари ва тузилмалари ёнмайдиганлар гуруҳига киради. Олов ва юқори ҳарорат (ёниш манбаи) таъсирида ёнадиган, биқсийдиган ёки кўмирга айланадиган, ёниш манбаидан ажратилгандан сўнг ёнишни, биқсиши ёки кўмирга айланишни тўхтатадиган моддалар қийин ёнувчан моддалар гуруҳига киради.

Ёниш манбаи ёки юқори ҳарорат таъсирида алангаланадиган биқсимайдиган ёки кўмирга айланадиган ва ёниш манбаини олганимиздан сўнг юқорида айтилган жараёнлар (ёниш ва ҳаказо). Давом этса, бундай моддалар ёки иншоотлар ёнувчан моддалар гуруҳига киради. Қурилиш материалларининг ёнувчанлиги тажриба йўли билан аниқланади. Буни аниқлашда кенг қўлланадиган «аланга қувури» усули қулай.

2.2. Лаборатория қурилмасининг тузилиши.

«Аланга қувури» асбоби вертикал жойлаштирилган, диаметри 50 мм, баландлиги 175 мм ва қалинлиги 0,3-0,5 мм қувур (труба) дан иборат бўлиб, штативга ўрнатилади. Труба ичини кўриш учун кўзгу ўрнатирилган. Аланга манбаи сифатида газ ёқгич (горелка) ёки алангасининг диаметри 5 мм бўлган спиртли ёқгич ишлатилади (5-расм).

3. Ишни бажариш тартиби.

3.1. Ўқитувчидан 3 дона намуна олинади (ҳар бирининг ўлчами 10x25x250 мм³ га тенг). Уларанинг ҳар биттасига билан тартиб соии ёзилади.


3.2. Намуналар тарозида тартиб олинади ва натижа тажриба ўтказиш жадвалига ёзиб қўйилади.

3.3. Намуналардан бирини қувур ўртасига вертикал ҳолатда осиб қўйилади. Бунда намунанинг қуйи қисми қувурдан 5 мм пастга тушиб ва ёқгичдан 100 мм юқорида туриши керак.

3.4. Ёқгич ёқилади ва аланга баландлиги тўғриланади. Газ ёқгичнинг аланга баландлиги 40 мм, спиртли ёқгичнинг алангаси баландлиги эса 55 мм

бўлиши керак. Сўнгра аланга намунанинг пастига ва ўртасига таъсир қиладиган қилиб ёқгич тўғриланади ва аланга таъсир қилиши билан бир вақтда секундамер ишга туширилади.

3.5. Агар газ ёқгич бўлса, аланга таъсири 2 мин., спиртли ёқгич бўлса аланга таъсири 2,5 мин. бўлганидан сўнг, намунадан ёниш манбаи олинади ва намунанинг ўзи ёниши, биқсиши ёки кўмирга айланиши кузатилади. Намуна совиганидан сўнг тарозида тортилади ва дастлабки оғирлигидан неча фоиз вазн йўқотганлиги ҳисобланади. Агар намуна аланга манбаи олинганидан сўнг 60 секунддан ортиги ёниши, биқсиши ёки кўмирга айланишни давом эттирса ва бунда ўз оқирлигидан 20 фоиздан ортиқ йўқотса - у ёнувчан материаллар гуруҳига киради. Агар аланган таъсирида намуна ёнгани ёки бошқа ўзгаришлар кузатилса ва алангалангач, бу ўзгаришлар тўхтаса ва у оғирлигининг 20 фоизидан кам йўқотса - у қийин ёнувчилар гуруҳига киради.



5 расм. Материалларнинг ёнувчанлик гуруҳи аниқловчи лаборатория қўрилмасининг схемаси.
1—Синалаётган намуна, 2 — аланга қувури, 3 — ёқгич,
4—кўриш кўзгуси.

Ёнмайдиган материаллар гуруҳига аланга таъсирига ҳеч қандай ўзгариши бўлмаган намуналар киритилади.

4. Тажриба пайтида ҳавфсизлик техникаси бўйича кўрсатмалар.

4.1. Талабалар ўз иш жойларини тартибли сақлаши ва стол устида ишга кераксиз буюмлар турмаслиги керак.

4.2. Ишни бошлашдан аввал талабалар ёнғинни ўчириш жиҳозлари турган жойни аниқлаб олишлари лозим. Улар ёнқинни ўчириш жиҳозлари билан ишлаш усуллари билишлари керак.

4.3.Ишни бошлашдан олдин ҳво тортиш жавонидан вентилятор ишлаётганлигини аниқлаб олиш керак.

4.4.Иш бажарилаётган курилмани назоратсиз қолдириш мумкин эмас.

4.5.Иш тугагач, тажрибада ишлатилган барча намуналар ўчирилганига ишонч ҳосил қилиш керак.

4.6.Ишни тугатиб кетишдан олдин иш жойини лаборантга топшириш лозим.

5.Текишириш учун саволлар.

5.1.Ёниш учун қандай шароит омиллари бўлиши керак?

5.2.Ёниш турларини тушунтиринг.

5.3.Материаллар ёнувчанлиги бўйича қандай гуруҳларга бўлинади?

5.4.Материаллар ёнувчанлиги қандай аниқланади?

ФАРҶОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
«Хаёт фаолияти хавфсизлиги» кафедраси
«Қурилиш моддаларининг ёнувчанлик гуруҳини аниқлаш»
лаборатория ишининг
ҲИСОБОТ ВАРАҚАСИ

1. Қурилма тузилиши схемаси: _____

2. Куижаги саолларга жовоб беринг.

2.1. Каттик ёнадиган материал ёнувчанлиги буйича нечта гуруҳга булинди?.

2.2. Суюк ёнадиган материал ёнувчанлиги буйича нечта гуруҳга булинди?.

2.3. Чаҳнаш, ёниш, уз узидан ўт чиқариш температуралар нима, уларни тушунчаларини беринг.

2.4. Ёнадиган системалар қандай турли булади?

2.5. Ёниш не турли булади?

3 Қурилиш материалларининг ёнувчанлик гуруҳини аниқлаш.

№ Рақам/ тартиби	Намунанинг тажрибадан олдинги вазни, г	Аланганинг таъсир этиш муддати сек.	Ёниш ёки биёсиш ваъғи, сек	Намунанинг тажрибадан кейинги вазни, г	Намуна оғирлиги камайишининг фоизи	Материал гуруҳи

3. ХУЛОСА.

Талаба	Гуруҳ, факультет	Иш бажарилган кун	Ўқитувчининг имзоси